

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР)	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ VA'ZI MAROSIMLAR	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> ТО'ДА-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT VOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'alov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA)	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA)	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР	69-74
<i>Qurbonova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida)	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i> O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i> GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	96-101
<i>Esanova Nilufar</i> O'ZBEKISTON-TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA)	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли</i> АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҒИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	118-124
<i>To'xtamishева Fotima Musurmonovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i> SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i> QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXELOGIK YODGORLIKLARINING O'RGANILISH TARIXIDAN	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherzovich</i> O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i> VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i> SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI	156-161
<i>Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна</i> ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ	162-172

<i>Зухриддин Болтаевич Жунаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар)	173-181
<i>Mamadiev Voxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOYIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI)	187-197
<i>Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ	198-203
<i>Азаматова Гулмира Байирбековна</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	204-208
<i>Tishabayeva Iroдахon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	209-215
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ostonokulov Azamat Abdukarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILYIY- IQTISODIY MEKANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI	227-232
<i>Отабеков Отажон Ғайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ	233-243
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQLASHINING AHAMIYATI	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i> ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i> KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY MONIYATI	292-296
<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i> ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i> TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i> OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING ANAMIYATI	341-348
<i>Мусинов Дилшод Султанович</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГИ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i> ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ	360-368
<i>Абдивоҳидов Мамуржон Авазхон ўғли</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i> DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA	381-388
<i>Қурбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i> РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i> ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ	404-416

<i>Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich</i> KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEKANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i> SANOAT TARMOQLARI KLASSTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i> ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i> ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ	441-447
<i>Хамзайева Дилфуза Самаровна</i> SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i> ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i> ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmurotovich</i> INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI	468-479
<i>To'uchiyeva Nodira G'ulom qizi</i> OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT	480-485
<i>Абдурахимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i> TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna</i> ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i> AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA	507-512

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i> ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i> ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНаВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҲОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i> YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIIY SALBIY OMILLAR	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich</i> QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i> BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i> AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i> OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i> AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIIYASIDA TUTGAN O'RNI	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i> JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI	582-586
<i>Агзамова Нилюфар Шухратовна</i> “АДАБ АЛЬ-ТАБИБ” КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i> INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA	592-596
<i>Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li</i> DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIYASI	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i> O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i> YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI	616-625
<i>Шоназаров Жамшид Шуҳратович</i> БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ	626-630
<i>Ҳамраев Сирож Абруевич</i> ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i> MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIY TAJRIBASI	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i> HARBIY IJTIMOYIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i> AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY ZARURIYATI	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI	656-661

07.00.00- Тарих фанлари

Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич
ЎзР ФА Миллий археология маркази
кичик илмий ходими

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН
УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация. Маълумки, бронза даврида Евросиёнинг шимолий дашт ҳудудида иқлим куруқлашиб борган. Иқлим ўзгаришлар натижасида бу ерда яшаган Андроново маданияти аҳолисининг бир қисми минтақанинг жанубига кўчишига олиб келган. Мақолада Тошкент воҳаси ерларида аниқланган бронза даври Андроново маданиятига оид археологик ёдгорликлар, хусусан, маконлар, қабр иншоотлари ва тасодифий топилмалар умумлаштирилиб, улар таҳлил қилинди. Асосий эътибор кўпроқ қабр ёдгорликлари, дафн қилиш усуллари ва улардан топилган моддий ашёларнинг хусусиятини ўрганишга қаратилди. Мархумларни кремация одати бўйича дафн қилиш усули ва икки четида конуссимон шохчали билакузук намуналарини ўрганиш асосида чорвадор аҳолининг миграцияси йўнашлари аниқланди. Шунингдек, Тошкент воҳаси ҳудудида бронза даврида яшаган чорвадор аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ масалаларига ҳам ойдинлик киритилди.

Калит сўзлар: Тошкент воҳаси, бронза даври, Андроново маданияти, чорвадорлар жамоаси

Ibragimov Raxmon Ziyodullaevich
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
National Archaeological Center, junior researcher

**TASHKENT OASIS IN THE SYSTEM OF THE HISTORY OF THE LATE BRONZE AGE:
FUNERAL RITUALS AND ISSUES OF MIGRATION**

Abstract. It is known that during the Bronze Age a drying process took place in the northern steppe zones of Eurasia climate. As a result of the arid climate, the inhabitants of the Andronovo culture were forced to move to the south of Central Asia. The article summarizes and analyzes archaeological sites of the Andronovo culture of the Late Bronze Age, in particular sites, burial structures and random finds discovered in the territories of the Tashkent oasis. The main attention was paid to studying the features of burial structures, the method of burial and accompanying material materials. Based on the method of burying the dead according to the custom of cremation and the study of samples of bracelets with conical ends, the directions of migration of the pastoral population were determined. Issues related to the life, socio-economic and cultural life of the pastoral population living in the Bronze Age on the territory of the Tashkent oasis were also clarified.

Keywords: Tashkent oasis, Bronze Age, Andronovo culture, nomads.

Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич
Научный сотрудник Национального археологического центра
Академии наук Республики Узбекистан

ТАШКЕНТСКИЙ ОАЗИС В СИСТЕМЕ ИСТОРИИ ПОЗДНЕБРОНЗОВОГО ВЕКА: ПОГРЕБАЛЬНЫЕ ОБРЯДЫ И ВОПРОСЫ МИГРАЦИЯ

Аннотация. Известно, что в эпохе бронзы в северных степных зонах Евразии происходит процесс аридизация климата. В результате засушливого климата жители андроновской культуры были вынуждены переселиться на юг Средней Азии. В статье обобщены и проанализированы археологические памятники, андроновской культуры поздней бронзы, в частности стоянки, погребальные сооружения и случайные находки, обнаруженные на территориях Ташкентского оазиса. Основное внимание уделялось на изучение особенности могильных сооружений, способ захоронения и сопроводительных вещественных материалов. На основе способа захоронения умерших по обычаю кремации и изучения образцов браслетов с коническими завершениями определены направления миграции скотоводческого населения. А также были выяснены вопросы, связанные с бытом, социально-экономической и культурной жизнью скотоводческого населения, живущего в эпоху бронзы на территории Ташкентского оазиса.

Ключевые слова: Ташкентский оазис, бронзовый век, андроновская культура, пастырская община.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N31>

Кириш. Марказий Осиё бронза даври тарихи муҳим ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг кечиши билан тавсифланади. Бу даврда минтақанинг жанубий ўлкаларида илк шаҳар марказлари ривожланиб, унинг негизда ихтисослашган ишлаб чиқарувчи хўжалик, ижтимоий табақаланиш ва мулкий тенгсизлининг чуқурлашиши ҳамда дастлабки давлатчилик шаклларининг намоён бўлиши жараёни кузатилади. Минтақанинг шимолий қисмида эса чорвачилик етакчи бўлган ишлаб чиқариш хўжалик шаклини юритган маданиятлар фаолият юритган. Шунингдек, уларнинг чорвадорлар жамиятида стратификация жараёни ҳам чуқурлашган.

Евросиёнинг шимолий дашт ҳудудларида аҳоли сонининг ўсиб бориши, табиий ландшафтидан нотўғри фойдаланиш, сув ҳавзаларининг тортилиб бориши ва бошқа антропоген таъсирлар натижасида минтақада мил. авв. II минг йилликда қурғоқчилик кучайиб, иқлимнинг ўзгаришига сабаб бўлган. Натижада дарё ҳавзаларида деҳқончилик хўжалиги кескин қисқариб кетган. Бу жараён ўз навбатида мазкур ҳудудда ҳукмрон бўлган деҳқончилик-чорвачилик хўжалигини юритган аҳолининг янги хўжалик тури – кўчманчи чорвачиликга ўтишларига олиб келган. Дашт ҳудудларда мил. авв. II минг йилликнинг бошларида кўчманчи чорвачилик тараққиётида йилқичиликнинг аҳамияти ўсиб борган. Евросиёнинг бепоён даштларда йилқилардан улов сифатида фойдаланишнинг бошланиши ва отлик қўшинларнинг пайдо бўлиши кенг ҳудудда яшаган қабилалар, халқлар ва давлатлар ўртасида иқтисодий, маданий алоқаларнинг кучайишини таъминлаган.

Чорвадор аҳоли йилқи, кичик ва йирик шохли чорва молларни боқишган. Уларнинг асосий озиқ-овқати гўшт ва сут маҳсулотларини ташкил этиб, доимий яшаш манзилларига эга бўлмаган ва кенг кўламдаги ҳудудда кўчиб юриш учун мўлжалланган тез қуриш, йиғиш мумкин бўлган чодир ва ўтовларда яшашган. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришига қараганда бу ердаги чорвадор аҳоли кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ ҳаёт тарзини юритган.

Дашт ҳудудларида чорва моллари сонининг кўпайиши мулкий тенгсизлик, ижтимоий табақаланиш жараёнининг вужудга келишига олиб келган ва товар айрибошлашни келтириб чиқарган. Аста-секин аравадан фойдаланишнинг кенгайиб бориши, йилқичиликнинг тараққий этиши ва одан улов сифатида фойдаланиш

чорвадорлар ҳаётида янгича ижтимоий муносабатларни, яъни кўчманчи чорвачилик хўжалик шаклини келтириб чиқарган. Сўнгги бронза даврида бир томондан иқлимнинг қуруқлашиб бориши ва бошқа томондан эса аҳоли сонининг кўпайиши натижасида уларнинг бир гуруҳи янги чорва яйловларини излаб, Ўрта Осиёнинг жанубий ерларидан ўтиб, Ҳиндистонгача кириб борган[1]. Минтақанинг турли жойларидан топиб ўрганилган бронза даври шимолий дашт маданиятига хос ёдгорликлардан топилган моддий ашёларга кўра, уларнинг кўчиш жараёни бир нечта босқичда ва йўналишда содир бўлган.

Асосий қисм. Тошкент воҳасининг сўнгги бронза даври археологик ёдгорликлари ҳозирги Бўстонлик туманидаги Чимбойлик ва Сойлик қишлоқлари ўртасида жойлашган “Акром овул”да 1898 йилда Николаи томонидан амалга оширилган шурфлаш натижасида “Чимбойлик хазинаси” номи билан фанга кирган моддий ашёларни ўрганишдан бошланган[2]. Ўтган аср давомида бу даврга оид йигирмага яқин турли хил археология ёдгорликлар ўрганилган.

Тошкент воҳасида ўрганилган бронза даврига оид барча археология ёдгорликларини Е.Е.Кузьмина умумлаштириб, уларни Срубная ва Андроново маданиятларига ажратган[1]. Тадқиқодчининг мазкур илмий қарашлари бўйича бронза даври чорвадорлар жамоасининг Тошкент воҳасига кириб келиши икки босқичда содир бўлганлигининг англаш мумкин.

Сўнгги бронза даври ёдгорликлари асосан чорвачилик хўжалиги учун қулай бўлган тоғ ва тоғ олди ерларида жойлашган. Воҳанинг пастекислик қисмида мазкур даврга оид ёдгорликлар мавжуд эмас. Аҳоли яшаш уй-жойга эга бўлган маданий қатламли ёдгорликларнинг сони чекланган. Тошкент шаҳридан шимоли-шарқда Қорақамиш анҳори бошланиши яқинидаги Ёнариқ деган жойда мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми билан саналанган Серкали маконида чайласифат уйларнинг изи ва моддий ашёлар (сопол парчалари, бронза бумлар ва ҳайвон суяклари) топилган[3]. 2018 йилда Оҳангарон дарё воҳасида Қуюн ёдгорлигини олиб борилган қазиларда Бургулик маданиятига оид маданий қатламида Андроново сополлари топилган [4] маданиятига оид қуйи маданий қатлами мутлақ даврлаштириш натижаларига кўра мил. авв. XIV асрнинг охири-XIII асрнинг бошлари билан саналанган[5]. Қуюн маконида аҳолининг яшаш жойидан далолат берадиган моддий ашёлар ҳозиргача аниқланмаган.

Воҳадаги археология ёдгорликлари орасида қабр иншоотлар нисбатан кўпчиликини ташкил қилади. Андроново маданияти эгаларининг қабр иншоотлари тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, марҳумлар ён томони билан қўл ва оёқлар букилиб, ғужанак ҳолатда дафн қилинган. Марҳумлар билан бирга моддий ашёлар кўшиб кўмилган. Айрим қабрларда марҳумларни кремация, яъни майитни куйдириб, суякларини кўмиш одати ҳам мавжуд бўлган.

1945 йилда Чотқол дарёсининг ўнг соҳилда жойлашган Обирахмат қишлоғида ер ишларини бажариш пайтида геолог Г.Г. Грушин тўрт дона билакузукни топган. Бу пайтда Чимбойликда текшириш ишларини олиб бораётган М.Э. Воронеж ва Т. Мирғиёзовлар мазкур топилма жойини текшириб, устига тош терилган тўртта қабр-кўрғони ўрганган. Уларнинг барчасида майитлар ёқиб, суяклари кўмилган. Қабр иншоотлардан бирининг юқориси қисми 5x5.5 м ўлчамли тўғри тўртбурчак шаклда

бўлган. Унинг ичкарасида 0,30 см чуқурликда 1.9x3.4 м жой айлангириб тош териб чиқилган. Унинг ичкараси кул қолдиқлари, куйган одам суяклар ва қўшиб кўмилган буюмлар сақланган. Қабрларга қўйилган буюмлар бронзадан ясалган юлдузча шаклли мунчоқлар, икки дона сирти жигарранг нақшсиз сополлар ва икки дона конуссимон шохли билакузукдан иборат[6]. Топилмалар орасида билакузук муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Чирчиқ дарёсининг юқори оқимидаги Искандар қишлоғидан топилган шундай билакузак намунаси мил. авв. XII-XI асрлар билан саналаган[7]. Фарғона водийсида Ўзган туманидан[8] ва Жиззахда Бахмалсойдан топилган[9]. Самарқанддаги Чакка қабридан топилган билакузуклар спиралсимон шохли бўлиб, Андроново маданиятининг Алакул босқичи намуналари билан қиёсланган[10]. Улар ўрганилган даврида мил. авв. XIV-XIII асрлар билан саналанган[11]. Чакка қабридан топилган билакузуклар Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидан топилган намуналарига нисбатан бироз қадимийроқ саналиб, улар Андроново маданияти соҳибларининг жанубга кўчиши жараёни бир нечта босқичда ва йўналишда содир бўлганлигини аниқлашга асос бўлади.

2009 йилнинг баҳорида А.А. Асқаров Оҳангарон туман Эртош қишлоғининг замонавий қабристонидан гўрков томонидан бронза даври дашт қабилаларига тегишли қабрдан оёқ-қўллари букилган ҳолатда кўмилган майитнинг бош томонидан чиққан иккита сопол буюм, бронза билакузук ва сирғалар ўрганган. Бу ерда майитларни ёқиб, суяклари дафн қилинган бошқа бир қабр ҳам аниқланиб, уни тадқиқотчи турклар даврига оид, деб ҳисоблаган[12]. Миллий археология маркази кичик илмий ходими Г.А. Мухторов мазкур худудда олиб борган археологик дала текшириш ишлари давомида икки дона қўймашохли билакузни топиб олган. Улар Андроново маданиятига оид бузилган қабрлардан бирига тегишли моддий ашё бўлиши, табиий.

Кремация дафн удуми Андроново маданиятининг Алакул босқичи аҳолиси орасида қисман учраган бўлса[13], Федоров босқичида бу удум бўйича дафн қилнган қабрлар сони кўпайган. Кейинчалик бу одат Карасук маданиятига мерос бўлиб ўтган[14] ва ўрта асрлар даврида туркий халқларда ҳам сақланиб қолган[15]. Бу дафн удуми Жанубий Урал орти ерларида, Шимолий ва Марказий Қозоғстонда, шунингдек, Ғарбий Сибирнинг айрим худудларида бронза даврида яшаган аҳоли орасида кенг тарқалган.

Жанубий Қозоғистон худудидаги ўрганилган бронза даври Таутари қабрида марҳумларнинг кўпчилиги кремация одати билан дафн қилинган. Қабрлардан чиққан материаллар мил. авв. XIV-XIII асрлар билан саналанган [16]. Мазкур дафн иншоотлари Андроново маданиятига мансуб чорвадор жамоасининг жанубга кўчиш йўналишларини кўрсатиб беради. Н.А.Аванесовнинг фикрига кўра кремация Андроново (Федоров) маданияти аҳолисининг жанубга кўчишининг археологик аломати ҳисобланиб, Шимолий Бақтрия (Бўстон VI) қабрларида[17] ва Бишкент маданиятига оид Илк Тулхар қабрида аниқланган [18]. Бўстон VI қабрларнинг тахминан 10% қисмида марҳумлар кремация одати бўйича дафн қилинган[19]. Умуман қадимги одамлар диний тасаввурда кремация маросимида олов марҳумнинг руҳини жаннатга олиб ўтиш пайтида ёвуз руҳлардан тозалаш, ҳимоя қилиш ва сеҳргарлик вазифаларини бажарган. Қадимги ҳинд эпоси “Ригведа”да қайд этилишига қараганда олов маъбуди Агни марҳумларнинг руҳини жинлардан тозалаб, нариги дунёсига олиб ўтиш вазифасини бажарган[20]. Бўстон VI қабристонидан кремация ва ингумация одатлари бўйича кўмилган қабрларда марҳумлар билан бирга қўшиб кўмилган моддий ашёлар ўртасида сезиларли фарқ

кузатилмаган. Бу ўз навбатида марҳумларнинг тириклик даврида ижтимоий жиҳатдан тенглигидан далолат беради. Бундай ҳолатда кремация аҳолининг ижтимоий мавқеи билан боғлиқ бўлмасдан, бошқа бир жиҳати, эҳтимол уларнинг жисмоний жиҳати билан боғлиқлигини кўрсатади.

Хулоса. Умуман кремация одатига эга бўлган Андроново маданияти аҳолисининг кўчиш жараёнини кузатиш орқали Тошкент воҳасининг шимолий дашт ҳудуди чорвадор аҳалиси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётидаги ўрни масалаларига ойдинлик киритиш мумкин. Воҳанинг қулай табиий-географик шароити ва маъдан захираларига бойлиги чорвачилик хўжалигини юритган ва металлургиядан хабардор бўлган Андроново маданиятига оид аҳолининг яшаши учун қулай шароит бўлган. Лекин ўлканинг бронза даврига оид кам сонли археология ёдгорликлари бу ерда шимолий дашт ҳудудга хос алоҳида маданият ёки Андроново маданиятининг маълум тармоғи фаолият юритганлини инкор этади. Тошкент воҳасининг бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни унинг чекка жанубий-шарқда фаолият юритган Қайроқум маданияти асосида қисман ўрганиш мумкин. Ушбу маданият эгалари хўжалигида ўтроқ чорвачилик ва металл ҳунармандчилигининг аҳамияти юқори бўлган[21]. Металлургия Қорамозор тоғи мис конларига асосланган бўлиб, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида ўзлаштириш бошланган[22]. Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаларининг юқори оқимида сўнгги бронза даврида яшаган аҳоли ҳаётида маҳаллий металл захираси қанчалик ўрни тутганлиги номаълум.

Тошкент воҳаси ҳудудида ўрганилган тарқоқ археология ёдгорликлари ва улардан топилган моддий ашёлар ўлкада шимолий дашт ҳудудининг сўнгги бронза даври чорвадор жамоасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни тўлалигича очиб бериш имкониятига эга эмас. Илк темир даврда воҳада вужудга келган Бургулик маданияти [23] кўп жиҳатдан сўнгги бронза даври жамоасининг маданий анъанасидан фарқ қилган. Сўнгги бронза даврида воҳанинг иқлими Қозоғистон ерларидан унчалик фарқ қилмасдан, бу ерда чорвадор аҳоли узоқ яшамасдан жанубга кетганлиги тўғрисидаги хулосани келтириб чиқаради.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Кузьмина Е.Е. Арии-путь на юг. - М.-Спб: Летний сад, 2008. – 61-62.
2. Воронец М.Э. Браслеты бронзовой эпохи Музея истории АН УзССР. // Труды ИИА АН УзССР, Том I. – Ташкент, 1948. – С. 69.
3. Рахимов С. Стоянка эпохи бронза Серкали. // ОНУ. Вып. 6. – Ташкент: Фан, 1970. – С. 41.
4. Максудов Ф.А., Ильясова С.Р Куюн-поселение эпохи поздней бронзы раннего железа в Ташкентском оазисе. // ИМКУ. Вып. 40. Самарканд, 2019.
5. Ильясова С. Р. Куюн – памятник Бургулюкской культуры в Ташкентской области. // Культуры Азиатской части Евразии в древности и средневековье. // Материалы Международной научной конференции, посвященной 80-летию со дня рождения и 50-летию научно-педагогической деятельности проф. Ноны Армаисовны Аванесовой. – Самарканд, 2021. – С. 88-95.
6. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. // МИА. № 26. -М.-Л.: Наука, 1952. – С. 20.

7. Воронец М.Е. Отчет археологической экспедиции Музея истории Академия наук УзССР о раскопах погребальных курганов первых веков н.э. возле ст. Вревская в 1947 г. // Тр. Музея история народов Узбекистана. Вып. I. — Ташкент, 1951. — С. 43-73.
8. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культуры Ферганы. // МИА. №118. — М.-Л.: Наука, 1962. — С. 64, рис XXXIII, 8.
9. Хасанов М. Бахмалсойдан топилган бронза даври топилмалари. // Евросиё халқлари маданият мероси: замонавий тадқиқотлар, муаммо ва ўрганиш усуллари Халқаро илмий-амалий анжуман. Жиззах, 2022. — Б. 94-99.
10. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР (по металлическим изделиям) Ташкент: Наука, 1991. — С. 69, рис. 54, 19-21.
11. Жўрақулов М.Ж. Самарқанд воҳаси ибтидоий тарихи саҳифалари. // Ўзбекистон археологияси. 1 (2). Самарқанд, 2011. — Б. 20.
12. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: Ozbekiston, 2015. — Б. 237.
13. Берсенева Н.А. Могильник Кулувчи VI и кремация в обществах эпохи бронзы Южного Урала. // Кулувчи VI — Могильник позднебронзового века Южном Заурале. Челябинск. 2020.
14. Кукушин И.А. Обряд кремация у андроновского (федоровского) населения семантический аспект // Российская археология. №4. М.: Наука, 2019. — 54-65.
15. Muzio C.L. Archaeological Traces of Early Turks in Transoxiana: An overview. Coins. // Coins, Art and Chronology II. The first millennium C.E. in the Indo-Iranian borderlands. Logo des Akademieverlags Wien 2010. — С. 441.
16. Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности. — Актобе, 2008. — С. 289.
17. Аванесова Н.А. Бустон VI — некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. — Самарканд, 2013. — С. 18-20, 239-241.
18. Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане. — // МИА. №145. Л.: Наука, 1968. — С. 53-58.
19. Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры (по материалам исследования могильника Бустан VI) // ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999. С. 27-36.
20. Ригведа. Избранные гимны. Перевод. Комментарий и вступительная статья Т.Я. Елизаренковой. — М.: Наука, 1972. — С. 202.
21. Литвинский Б.А, Окладников А.П., Ранов В.А. Древности Кайрак-Кумов (Древнейшая история Северного Таджикистана). — Душанбе, 1962. — С. 240-241.
22. Буряков Ю.Ф. Горное дела и металлургия средневекового Илака (V — нач. XIII в.). — М.: Наука, 1974. — С. 98.
23. Дуке Х. Туябугузские поселение Бургулюкской культуры. — Ташкент. 1982. — С. 3-96.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).